

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

576 Корея Республикаси билан инвестицион ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Корея Республикаси билан инвестицион ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда Бир давлат фуқароларининг бошка давлат ҳудудидаги вактинчалик меҳнат фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида 2011 йил 23 августда Тошкент шаҳрида имзоланган битимни самарали амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Белгилансинки:

кўрсатиб ўтилган Битимнинг 3-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасига келаётган Корея Республикаси фуқароларига меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома Битим 5-моддасининг 2-бандида назарда тутилган визани узайтиришнинг тегишли муддатларига, бироқ уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади;

Корея Республикаси фуқароларини кўрсатиб ўтилган Битимнинг 3-моддасида назарда тутилган шахслар тоифаларидан бирига тегишли деб хисоблаш Ўзбекистон Республикасининг рўйхатдан ўтказувчи органлари томонидан берилган иш берувчилар тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган Корея Республикаси фуқаролари учун виза узайтирилганлиги ва вақтинча рўйхатдан ўтказганлик учун давлат божи ставкаларини Корея Республикасида худди шундай хатти-харакатлар учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан ундириладиган божлар микдорига мувофиқ тенглик асосида ўзгартиришга рухсат берилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 28 ноябрь,
331-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.